

Муминжон Исохонович ХУЖАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
фалсафа доктори (PhD)
tutin_81@mail.ru

Мавлуда Каримжановна РАХИМШИКОВА,
Философия ғылымдарының кандидаты,
доцент, М.Әуезов атындағы Оңтүстік
Қазақстан университеті, «Философия және
саясаттану» кафедрасы

Айша Бақташқызы ШАЛДАРБЕКОВА
Философия ғылымдарының кандидаты,
аға оқытушы, М.Әуезов атындағы Оңтүстік
Қазақстан университеті, «Философия және
саясаттану» кафедрасы, Шымкент, Қазақстан

ИБН ФАДЛАН “САЙЁХАТНОМА”СИДА ТУРКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

ИНФОРМАЦИЯ ОБ ИСТОРИИ И КУЛЬТУРЕ ТУРКИСТАНА В «ПУТЕШЕСТВИИ» ИБН ФАДЛАНА

INFORMATION ABOUT THE HISTORY AND CULTURE OF TURKISTAN IN THE «JOURNEY» OF IBN FADLAN

Аннотация: Ушбу мақолада Аҳмад Заки Валидий ва И.Ю.Крачковскийнинг Ибн Фадлан «Сайёҳатнома» асарида келтирилган Туркистон ва Волга бўйи маданияти ва тарихига оид илмий меросининг тадқиқотлари очиб берилган. Шунингдек, Ибн Фадланнинг Туркистон, Бошқирдистон орқали Волга бўйи ва Булғордаги милoddан аввалги 922-923 йиллардаги сайёҳатлари ҳақида ёзиб қолдирганликлари инсоният тарихи ва маданиятида катта ютуқ бўлиб бугунги кунда қимматли манба сифатида фойдаланилмоқда.

Калит сўзлар: Туркий, ўзбек, уруғ, миллат, аҳоли, қабила, тушунча, баҳс.

Аннотация: В статье раскрываются исследования научного наследия Ахмада Заки

Валиди и И.Ю. Крачковского по культуре и истории Туркестана и Поволжья, упомянутые в «Путешествии» Ибн Фадлана. Кроме того, сочинения Ибн Фадлана о его путешествиях по Туркестану, Башкортостану, Поволжью и Болгарии в 922–923 годах до нашей эры являются большим достижением в истории и культуре человечества и используются сегодня как ценный источник.

Ключевые слова: Тюрки, узбек, этнос, нация, население, племя, понимание, дискуссия.

Annotation: The article reveals the research of the scientific heritage of Ahmad Zaki Validi and I.Yu. Krachkovsky on the culture and history of Turkestan and the Volga region, mentioned in Ibn Fadlan's "Journey". In addition, the writings of Ibn Fadlan about his travels in Turkestan, Bashkortostan, the Volga region and Bulgaria in 922-923 BC are a great achievement in the history and culture of mankind and are used today as a valuable source.

Key words: Tyurk, Uzbek, ethnos, nation, population, tribe, understanding, discussion.

Х асрда яшаб, Шарқий Европа, Африка ва Осиёнинг катта қисмининг маданияти ва маънавияти ҳақида бой маълумот қолдирган араб сайёҳи ва ёзувчиси Аҳмад ибн Фадлан ибн ал-Аббос ибн Рашид ал-Бағдодийнинг туризм маданиятига оид фикрлари қимматли манба ҳисобланади.

921-922 йилларда Аббосийлар халифаси ал-Муктадир элчихонасининг котиби сифатида Волга бўйи ва Буморда бўлган [1]. Сайёҳат ёзувлари шаклида ёзилган “Рисола” маърузасида у ўғузлар, бошқирдлар, булғорлар ва хазарларнинг ҳаёти ва сиёсий муносабатлари ҳақида ноёб маълумотлар қолдирган. Маълумотларнинг аксарияти рус халқининг урф-одатларига бағишланган бўлиб, унда кўплаб маълумотлар скандинавияликларнинг маданияти ва маънавияти ҳақида маълумотлар ҳисобланади. 923 йил баҳорида Бағдодга қайтиб келган сайёҳат қилган мамлакатлари ҳақида уларнинг тоғлари, дарёлари, урф-одат ва қадриятлари ҳақидаги маълумотларни батафсил баён қилади.

Ибн Фадланнинг сайёҳатномасидан нусха Ўрта Осиёда қисқартирилган шаклда ва қисман сақланиб қолган. Бугунги кунда ушбу

“Рисола” манба сифатида Волга ва Марказий Осиё халқларининг Ўрта асрлар тарихидаги энг муҳим манбаларидан биридир. Ушбу асарда Ибн Фадлан араб ва форслар ҳақида маълумотларни Ироқ, Эрон ва Хоразм ва Ўрта Волга ҳавзасига қимматбаҳо шимолий мўйна (косинка) эвазига етказиб бериладиган савдо йўллари ҳақида маълумотлар қолдирган.

Ибн Фадлан шимолий Каспий минтақалари ва Волга минтақаси ҳақидаги хабарларни берган биринчи саёҳатчидир бундан ташқари у ilk маротаба Каспий пасттекислигидан ўтадиган дарёларнинг номлари ва жойлашиш ҳақидаги маълумотлар ҳам берган [2].

921 йил шаввол ойидаги Жайхун дарёсидан туркийлар мамлакатида ўтиш керак бўлган дарёларни кесиб ўтиш учун туя терисидан саёҳат сумкаларини тайёрлайди. Уч ой давомида нон, тилла, қуритилган гўшт билан йўлга чиқади. Хоразмга киришдан қўрққан Фақиҳ ва муаллим Фадлан билан Бағдод шаҳридан келган ёшлар кириб борадилар. Ўн кун давомида саёҳат қилиб, офатлар, қийинчиликлар, Хоразмнинг совуғи ёз кунларига ўхшаб кетадиган изчил қор ёғишини учратганлигини “Саёҳатнома”сида келтириб ўтади. Уларнинг аёллари ҳижобда эмасликларини ёзади.

Валидий: «Зигмунд Фрейд билан кўришади. Ўша пайтда араб сайёҳи Ибн Фадланнинг қадимги ўғузларда жинсий муносабатга қараш бошқа мусулмонлар ва араблардан бутунлай фарқ қилиши ҳақида ёзганларини ўқиб, Геродотнинг қадимги скифларда жинсий муносабатларга оид ёзганлари билан солиштиради. Иккинчи сафар кўришганида буни Фрейдга айтади. Унга: «Сиз жуда муҳим ва қизиқарли илм ҳисобланган психоанализни асарларингизда ўз фалсафангизга айлантириш билан унинг тавсифида ёзган романларда аёлларнинг яланғоч баданини калит тешикларида томоша қилганини уялмасдан ҳикоя қиладиган «пернерс» (йўлдан озган)лар ўқийдиган асар яратган бўласиз, дедим. Бу сўзларимдан унинг умуман жаҳли чиқмади. У мен билан бу мавзуда кўпроқ суҳбатлашгиси келарди. Бироқ мен Австриядан Германияга ўтиб кетганим туфайли у билан қайта кўришиш имкони бўлмади» [4], дея шундай хулосага келишимиз мумкин. Фрейд ва Валидийнинг бу хусусдаги фикрлари бу икки олимнинг бири Ғарб иккинчиси Шарқ менталитети нуктаи назардан қарашлари эканлигидир.

1920 йилларда Ибн Фадланнинг “Сайёҳаннома”сини Валидий томонидан кашф этилган Машҳаддаги Имом Али ибн Ризонинг қабри ёнидаги кутубхонада (Эрон)да учратганлигини ёзади. Ушбу китобнинг 1937 йилда фотонусхаси Машҳад қўлёзмаси СССР Фанлар академиясига тақдим этилган. А.П.Ковалевский Ибн Фадланнинг “Сайёҳаннома”сини рус тилидаги нашрини 1956 йилда амалга оширади.

Нашрда 1237 та маълумотнома мавжуд бўлиб, унда асосан шарҳлар берилган.

Валидий «Хотиралар»ида тарихчи файласуф диншунос олим бўлиб ўсиб улғайишида уч муҳит яъни, оила, уламолар жамоаси ва мадраса ҳаёти сабаб бўлганлиги тўғрисида ёзади. Уламолардан бири бу Шаҳобиддин Маржонийнинг қарашлари эди. Шаҳобиддин Маржонийнинг исломий ақидаларга оид эркин фикрлари номи зикр этилган Бу жиҳатдан Валидий тоғаси Ҳабиб Нажжорга ҳам Шаҳобиддин Маржонийнинг шогирди сифатида қарашган. Маржоний араб сайёҳи Ибн Фадланнинг шомоний «тос» деган бут (санам) ларга доир сўзларини нотўғри изоҳлаганлигини ва бошқирдлар ҳам «Паллус» култи экани ҳақида фикр билдиргани учун араб тилини жуда яхши эгаллаганлигини изоҳлайди [5].

Валидий бу тўғрида Машҳад кутубхонасидан топилган муҳим асарлар ҳақида орадан бир йил ўтиб, Париждаги «Осиё Жамиятида»ги нутқида сўзлайди [6]. Бу асарлар орасида милодий IX-X асрнинг биринчи ярмида яшаган Ибн ал-Фақиҳнинг асарини Машҳад нусхасини Россия фанлар академияси журналиндаги таҳлили хусусидаги мақоласи [7] ва унга «Осиё Жамиятида»ги нутқида Машҳадда ибн Фадлан ҳамда Абу Дулаф исмли икки сайёҳнинг асарлари бор бўлган. Машҳад нусхаси эса, ҳар икки асар ва Ибн ал-Фақиҳ китобининг бизга қадар етиб келмаган деб кўрсатилган тўлиқ нусхаси бўлади» [8]. Асарни учратганини иккинчи куни Сомибейни ҳам кутубхонага олиб келиб ушбу асарлардан фойдаланиши учун кутубхона мудиридан рухсат сўрайди ва кеча-кундуз ишлаб асарни кўчириб олади ва тавсифлайди.

Шунингдек, Фадлан, Туркистон ва Волгабўйи халқлари фольклорида Шарқий Европа ва Шимолий Евросиё мамдакатларининг фольклор жанрини ўхшашликларини баён этган.

Заки Валидий: «Ибн Фадланнинг «Саёҳатнома»си» Россия учун ўзгача аҳамият касб этади. Ибн Фадлан Ўрта Осиё, Бошқирдистон орқали Волга бўйи ва Булғордаги милоддан аввалги 922-923 йиллардаги саёҳатлари ҳақида ўз кузатувларида ёзиб қолдирган» [9]лигини ўз докторлик диссертациясида таҳлил қилади. Бу тадқиқот Заки Валидий ҳаётида катта ютуқ бўлиб, бу асарини Вена университетида докторлик диссертация [10]си мавзуси сифатида ишлайди. Диссертация иши Германиянинг «Шарқ Жамияти» нашриёти томонидан чоп этилади. Валидийни мазкур илмий изланишлари Германия ва бир қанча Европа давлатлари университетларининг фахрий аъзоси деб сайланишига асос бўлган.

Шунингдек, Ибн Фадланнинг «Сайёҳатнома»си туркийлар ҳаётига доир қимматли фикрларини ўзида жам қилган. Тарих институти кичик илмий ходими Ҳ.Мамадалиев: «Ҳанафий мазҳаби томонидан от гўшти макруҳ этилгани учун Ўғузлар Исломга кирганларидан кейин от гўшти тановул қилишни тўхтатганлар. Ўғузларда Исломдан аввалги дин одамлари қом (шомон) деб аталган. Аслида шомон сўзи тунгусча бўлиб, туркийларда деярли қўлланилмаган. Ўғузларда Худога нисбатан Боёт ва Уган сўзлари ҳам қўлланилган. Қомлар ота унвони билан аталганлар. Масалан: Қўрқут ота, Занги ота каби. У замонларда отани қанг деганлар. XIII асрга келиб эса ота ўрнига бобо калимаси ҳам қўлланила бошлайди. Туркий қабилалар шомонларнинг илоҳий куч соҳиби бўлиб, ноёб қобилиятларга эга эканликларига ишонганлар ва уларнинг олдида катта бир қўрқув ва ҳурмат ҳиссини туйганлар. XI асрга келиб ўғузларнинг Қора денгиз бўйларига кўчган кичик бир қисмидан бошқа ҳаммалари мусулмон эдилар» [12] – деган маълумотни беради.

Ёкут Ҳамавийнинг Ибн Фадланнинг қўлёзмаси И. Ю. Крачковскийнинг таржимаси ва шарҳи Ёкут Ҳамавийнинг фарқ қилади бу қўлёзма ҳозирда Санкт-Петербургда қўлёзмалар фонидида сақланмоқда.

Ибн Фадланнинг «Сайёҳатнома»си асосида Валидий Туркистон маданий шаҳарларига неча асрлардан бери аста-секин келиб жойлашган турли уруғ вакилларида таркиб топган бу туркийлар аслида милоддан аввалги даврларда қишлоқ ва шаҳар маъноларини билдирган «кент» ҳамда «балик», давлатнинг марказий ташкилоти, ҳукумат маъносидаги «эрк»

калимасини жонли тилда қўллаган Шу (қадим хитой манбаларига кўра: «Су» ёки «Со»), Сак, Турк, Усун қавмларидан келиб чиқишган. Энг қадимги замонда турк аталган Чу ва Иссиққўл турклари, Турк, Турғиш, Эзғиш, Чиғил, Илоқ, Барсхон, Тун, Арғу, Чумук каби қавмлар шаҳар туркларининг асл илдизидир. Шу билан бирга, Эрон дostonларида Эрон - Турк ҳудудидаги туркийларнинг йўлбошчилари сифатида қарлуқлар кўрсатилади. Балх ёнида Амударёни кечиб ўтгач, туркийлар ўлкаси бошланади. Талас минтақасига қадар чўзилган, деб ҳисоблайди. Мазкур ривоятларда Самарқандни, Бухоро ёнидаги Ромитан шаҳрини қурдирган хитой маданиятини ҳомийси дейилган Афросиёб, унинг ўғли Эржасп ва аъёнлари «турк» ёки «турк-қиғил қавмига мос деб кўрсатилган деган фикрларни билдириб ўтади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жаклин Симпсон. Викинг. Быт, религия, культура. — Москва: Центрполиграф, 2005.
2. http://hrono.ru/biograf/bio_f/fadlan_ibn.php
3. Ed. SSSR Fanlar akademiyasi ML, 1939. [Tarjima va sharhlar A.P. Kovalevskiy.] I.Yu. Krachkovskiy tahrir qilgan.
4. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatıralar: Türkistan ve diğer Müslüman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
5. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatıralar: Türkistan ve diğer Müslüman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
6. Zeki Velidi Togan. Notices sur les manuscrits decouverts dans les bibliotheques de Kaboul et Meshed (Қобул ва Машҳад кутубхоналаридан топилган қўлёзмалар) // Journal Asiatique. Paris. 1924. №1., №4. P. 149-151.
7. Zeki Velidi Togan. Ibn ul-Fakih'in yeni nushasi // Türk Yurdu. Ankara. 1924. Sayı 4. S.297-304.
8. Ord. Prof. A.Z.V. Togan. Ibn al-Fokihin Turklere aid haberleri. // Beletter. – Ankara: 1948. – N45, - s. 11-16; Prof. Muhammed Shafi Presentation volume. – Lahore: 1955. P.105-113.
9. Юлдашбаев А. Ватандаш. Заки Валиди как политик, ученый и патриот. // 2009. №9.
10. Zeki Velidi Togan. Ibn Fadlan's Reisebericht: (Ибн Фадлан «Саёҳатнома»си) Leipzig. 1939. XLIX, 336 S., 46 S. orient. Pag. (Ab- handlungen fir die Kunde des Morgenlandes. Bd. 24, 3). P.336.
11. Ibn Fadlan and the Land of Darkness: Arab Travellers in the Far North (Penguin Classics 2012, ISBN 978-0-14-045507-6), Introduction by Paul Lunde and Caroline Stone, pp. XXIII-XXIV. – P.335.
12. e-tarix.uz. IX–XII асрларда ўғузлар.